



## ЁШЛАР ЎРТАСИДА НАРКОЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШДА АЙРИМ МУЛОХАЗАЛАР.

Файзуллаев Дилшод Одилбекович

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси катта ўқитувчиси  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.20061612>

### ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 01-may 2026 yil  
Ma'qullandi: 04-may 2026 yil  
Nashr qilindi: 06-may 2026 yil

### KEYWORDS

ёшлар, наркожиноятчилик, профилактика, ҳуқуқий онг, соғлом турмуш тарзи, жиноятчиликка қарши кураш, таълим, оила, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, ижтимоий хавфсизлик.

### ABSTRACT

Ушбу мақолада ёшлар ўртасида наркожиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш масалалари таҳлил қилинган. Муаллиф наркожиноятчиликнинг келиб чиқиш сабаблари, унинг ёшлар онги ва жамият тараққиётига салбий таъсирини ёритади. Шунингдек, профилактика чора-тадбирлари, таълим муассасалари, оила ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг бу борадаги ўрни ва ҳамкорлигига алоҳида эътибор қаратилган. Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва ҳуқуқий онгни ошириш орқали наркожиноятчиликни камайтириш йўллари таклиф этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 26.12.2025 йил Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасида: “Кўраяпсизлар, шиддат билан ўзгараётган дунёда гиёҳвандлик хавфи аҳоли генофонди учун энг катта таҳдидга айланиб бормоқда. Афсуски, бугунги глобаллашув даврида бундай хавф-хатар Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтмаяпти. Бу йил 14 мингдан зиёд гиёҳвандлик жинояти қайд қилинган. Уларнинг 3 мингга яқинини ёшлар содир этгани барчамизни жиддий ўйлантириши керак. Наркотик савдолари трансчегаравий ва виртуал характерга эга бўлиб бормоқда. Бу эса жиноятларни аниқлашда янги усулларни қўллашни, замонавий билим ва кўникмаларни пухта эгаллашни талаб қилмоқда. Яқинда ушбу масала бўйича Миллий дастур қабул қилдик. Энди наркожиноятларга қарши курашишни умуммиллий ҳаракатга айлантириб, жамиятда бу иллатга муросасиз муҳит яратамиз. Ким бу вазифа фақат ҳуқуқ-тартибот идораларининг иши, деб ўйласа, хато қилади. Юртимиздаги ҳар бир бола, ҳар бир ёш – бизнинг фарзандимиз, уларни гиёҳвандлик чангалига ташлаб қўйишга асло йўл қўймаймиз. Гиёҳвандликни таг-томири билан буткул йўқотиш, ёшларимизда кучли маънавий-руҳий иммунитетни шакллантириш бўйича барча куч ва имкониятларимизни сафарбар қиламиз. Наркожиноятларга қарши курашиш бўйича республика ишчи гуруҳи давлат идораларининг бор куч ва имкониятларини ишга солиб, келгуси йилда наркотикларни ишлаб чиқариш ва тарқатиш каналларига чек қўйиш

бўйича янги тизим яратсин. Бу – Президентнинг топшириғи, бу – ота-оналарнинг хоҳишистаги, бу – жамиятнинг талаби!” деб таъкидлаб ўтдилар.

Бугунги кунда “аср вабоси” бўлган гиёҳвандлик илллати бутун дунёни ташвишга солмоқда. Мамлакатимизда ушбу хавфли иллатга қарши кескин кураш олиб борилмоқда. 2025 йилда 15 мингдан зиёд гиёҳвандлик жинояти қайд қилинган бўлиб, уларнинг 3 мингга яқинини ёшлар содир этгани бу йўналишдаги ҳолат нақадар жиддий эканини кўришимиз мумкин. Авлодни давом эттириш фарзандни дунёга келтириш эмас, ҳал қилувчи омил уни тарбияси билан боғлиқ.<sup>1</sup>

Эртанги кунимиз бўлган фарзандларнинг тақдири билан боғлиқ масалада ҳеч қандай расмиятчилик ёки юзаки ёндашувларга йўл қўйиб бўлмайди. Шу сабабдан ёшларни ёт ва зарарли бўлган ушбу иллатдан албатта самарали ҳимоя қилишимиз лозим.

Гиёҳвандлик, маънавий бўшлиқни эгаллаб олиши мумкин бўлган давр таҳдиди ҳисобланади. Шу боис унга қарши курашиш, аниқроғи ушбу иллатнинг ўзинигина эмас балки, келиб чиқиш манбалари ва илдизини таг-томири билан қуритиш масаласига ҳар биримиз маъсул эканлигимизни унутмаслик керак.

Сўнги йилларда янги турдаги синтетик гиёҳвандлик воситалари ва кучли таъсир қилувчи моддалар пайдо бўлаётгани, ушбу моддалар инсон омилсиз, интернетнинг ижтимоий тармоқларидан фойдаланган ҳолда аҳоли, айниқса ёшлар орасида тарқалаётганлиги, маъсул давлат органларининг бу йўналишда ишларни биргаликда такомиллаштириши ва сифат жихатдан янги босқичга олиб чиқиши лозимлигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 03.11.2025 йилда “Аҳоли саломатлиги ва миллат генофондини гиёҳвандлик ва наркожиноятлардан самарали ҳимоя қилиш бо‘йича комплекс чора-тадбирлар то‘ғ‘рисида”ги ПФ-207-сонли фармони қабул қилинган. Ушбу фармон бўйича чора-тадбирларни белгилаш ва уларнинг ижросини та‘минлаш мақсадида “Гиёҳвандлик ва наркожиноятларнинг барвақт олдини олиш ҳамда уларга қарши курашиш бо‘йича 2025-2026-йилларга мўлжалланган комплекс амалий ҳаракатлар Миллий дастури тасдиқланган. Миллий дастурнинг тегишли бандига кўра, 2026 йилнинг феврал, апрель, октябрь ойларида “Ёшлар орасида гиёҳвандлик ва психотроп моддаларнинг тарқалишига қарши курашиш” кенг қамровли тезкор-профилактик ойлигини ўтказиш, ойликни юқори савияда ташкил этиш, шунингдек ёшлар орасида наркожиноятлар ва гиёҳвандликка чалиниш билан боғлиқ ҳолатларни олдини олиш борасидаги амалга оширилаётган ишларни кенг оммага етказиш белгиланган.<sup>2</sup>

Ўзбекистонда ёшлар орасида гиёҳвандлик ва психотроп моддалар тарқалишининг олдини олишга қаратилган тезкор профилактик ойликлари тизимли равишда ўтказиб келинади. Бу тадбирлар доирасида таълим муассасаларида

<sup>1</sup> Ашуров, О. У., & Тўйчиев, У. И. Ў. (2024). ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ТЕЗКОР БЎЛИНМАЛАРИ ТОМОНИДАН КОРРУПЦИЯ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ. *Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences*, 4(4), 143-152.

<sup>2</sup> Nishonkhujjevich, R. R. (2023). SOME ASPECTS OF THE LEGAL REGULATION OF THE CONDUCT OF OPERATIONAL-SEARCH MEASURES BY THE INTERNAL AFFAIRS BODIES. *INNUC*, 2(2).

тушунтириш ишлари, профилактик рейдлар ва ҳуқуқбузарликларни барвақт аниқлаш чоралари кўрилади. Мақсад — соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва ёшларни ноқонуний моддалар таъсиридан асрашдир.<sup>3</sup>

Тезкор профилактик ойлик доирасидаги асосий чора-тадбирлар:

- Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси: Таълим масканлари, маҳаллалар ва кўнгилочар масканларда "Гиёҳвандлик — умр заволи" ва бошқа мавзуларда тарғибот тадбирларини ўтказиш.
- Тезкор-қидирув чоралари: Гиёҳвандлик воситаларини ноқонуний айланмасига қарши курашиш, айниқса, синтетик моддалар ва интернет орқали сотиш ҳолатларини аниқлаш.
- Маърифий тадбирлар: Ёшлар ўртасида психотроп моддаларнинг инсон организми ва руҳиятига зарари ҳақида тушунтириш, жиний жавобгарлик ҳақида огоҳлантириш.
- Ҳамкорлик: Ички ишлар органлари, ёшлар ишлари агентлиги, таълим ва соғлиқни сақлаш вазирликлари билан биргаликда комплекс иш олиб бориш.

Бу каби ойликлар одатда Ички ишлар вазирлиги ҳамда бошқа мутасадди идораларнинг кўшма фармойишлари асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар органлари томонидан бошқа ҳуқуқ-тартибот органлари ва тегишли вазирлик-идоралар билан ҳамкорлик мустаҳкамланиб, аҳоли, айниқса ёшлар орасида гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ҳамда назорат остидаги дори-дармонларни тарқалишига қарши тизимли ташкилий ва профилактик тадбирлар олиб борилмоқда. Жумладан:

Республикада ижтимоий ва криминоген вазиятни барқарорлаштириш, гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний муомаласи билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш,<sup>4</sup> аҳоли (айниқса ёшлар орасида) наркотик моддаларнинг суистеъмоли, Ўзбекистон ҳудудига катта миқдорда наркотикларни олиб кираётган ва тарқатаётган гуруҳларнинг жиний фаолиятини фош этиш, таркибида наркотик моддалар бўлган ўсимликлар экилган майдонларни йўқ қилишга қаратилган қатор махсус комплекс тадбирлар ўтказилиб келинмоқда.

Жумладан, ҳар йили республика бўйича:

- ✓ “Ёшлар орасида гиёҳвандлик воситаларини тарқатилишига қарши курашиш” тезкор-профилактик ойлиги (февраль ойларида);
- ✓ “26 июнь - Халқаро гиёҳвандликка қарши кураш куни”га бағишланган тадбирлар;
- ✓ 2 босқичда “Қора дори” кенг қамровли тезкор-профилактик тадбири ўтказиб борилади.

Тадбирлар давомида республикада фаолият кўрсатаётган барча олий таълим, ўрта махсус билим юртлири, коллеж ва лицейлар ҳамда ўрта умумтаълим мактабларда

<sup>3</sup> Ибрагимов, А. А. (2025). ЖИНОЯТЛАРНИНГ КРИМИНОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА КЎРСАТГИЧЛАРИ. *Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies*, 2(4-2), 198-203.

<sup>4</sup> Ибрагимов, А. (2025). ЯНГИ ТУРДАГИ ГИЁҲВАНД МОДДАЛАР ТАРҚАЛИШИГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ. *Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies*, 2(4-2), 204-210.

“Биз гиёҳвандликка қаршимиз” мавзусидаги профилактик характердаги маърузалар ўтказилади.

Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси билан ҳамкорликда видеофильм ва видеороликлар ишлаб чиқилиб, республикаимизнинг барча таълим муассасаларида йиғилишларда намоиш этилади, телевидение орқали эфирга узатиб борилади.<sup>5</sup>

Юқоридагилар билан бирга, янги таҳдидларга янгича усулда ёндашиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялари агентлиги, Ички ишлар вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлигининг “Ахборот-коммуникацияси технологиялари орқали содир этилаётган ҳуқуқбузарликларни олдини олиш тўғрисида”ги қабул қилинди ва ишга туширилган “@СТОПНАРКО\_БОТ”, “@СТОП\_КРИМИНАЛ\_БОТ” Телеграм-ботлар орқали аҳолидан маълумотларни тўплаш ва улар асосида тезкорлик билан зарурий чоралар кўрилган.<sup>6</sup>

Бу йўналишда тузилган идоралараро ишчи гуруҳи фаолияти самарадорлигини янада ошириш мақсадида назорат остидаги воситаларни ноқонуний рекламаси ва савдосига алоқадор Интернет дўконларнинг манзиллари аниқланиб, блокировка қилиш ишлари ташкиллаштирилмоқда.

Шу билан бир қаторда ички ишлар органлари ходимлари томонидан аҳоли яшаш масканларида бундай дўконларнинг манзилларини акс эттирувчи “наркографитти”ларни ўчириш ишлари ташкил этилиб, уларни чизган шахсларни аниқлашга қаратилган тезкор-қидирув тадбирлари олиб борилмоқда.<sup>7</sup>

Шунингдек, ёшлар орасида гиёҳвандлик воситалари тарқалишининг олдини олиш мақсадида ички ишлар органлари томонидан бошқа ҳуқуқ-тартибот органлари ҳамда тегишли идора-ташкilotлар билан ҳамкорлик жадаллаштирилди. Бунда асосий эътибор ёшларнинг гиёҳвандлик йўлига кириб кетишининг олдини олиш билан бир қаторда, ота-оналар билан, таълим муассасаларида, ишчиларнинг аксарият қисми ёшларни ташкил қиладиган корхона-муассасаларда кенг кўламли тарғибот-ташвиқот ишларига қаратилди.<sup>8</sup>

2025 йилнинг ўтган даврида ҳам Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик воситалари билан боғлиқ аниқланаётган ҳолатлар, аҳоли томонидан келиб тушаётган мурожаатлар ҳамда статистик кўрсаткичлар таҳлили асосида тизимли чора-тадбирлар белгиланиб, амалга оширилди.

Хусусан, февраль ойида ички ишлар органлари томонидан “Ёшлар орасида гиёҳвандлик ва психотроп моддаларнинг тарқалишига қарши курашиш” ойлиги ўтказилди.

<sup>5</sup> Egamberdievich, M. T., & O'G'Li, S. A. S. (2024). JINOYATLARNI FOSH ETISHDA TEZKOR-QIDIRUV TADBIRLARINING MOHIYATI VA AHAMIYATI. *Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences*, 4(5), 114-118.

<sup>6</sup> Ибрагимов, А. А. (2025). ЁШЛАР ОРАСИДА ЭКСТРЕМИЗМНИ ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ ЯНГИЧА МЕХАНИЗМЛАРИ. *Central Asian Journal of Academic Research*, 3(4-3), 33-38.

<sup>7</sup> Файзуллаев, Д. О. (2025). ЯНГИ ТУРДАГИ ГИЁХВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИНИНГ ТУЗИЛИШИ, ТУРЛАРИ ВА КРИМИНОЛОГИК ТАҲЛИЛИ. *Central Asian Journal of Education and Innovation*, 4(5), 103-105.

<sup>8</sup> Ибрагимов, А. А. (2025). ЁШЛАР ОРАСИДА ЭКСТРЕМИЗМНИ ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ ЯНГИЧА МЕХАНИЗМЛАРИ. *Central Asian Journal of Academic Research*, 3(4-3), 33-38.

Худудларда фаолият кўрсатаётган Ёшлар ҳамда Маънавият ва маърифат марказлари, олий таълим, ўрта махсус билим юртлири, лицейлар ва умумтаълим мактабларда “Биз гиёҳвандликка қаршимиз” мавзусида профилактик характердаги қарийб 10 минг маротаба учрашувлар ўтказилиб, давра суҳбатларида 1 млндан ортиқ ёшларнинг иштироки таъминланди (850 мингга яқин мактаб ўқувчилари, 184 мингдан ортиқ талабалар, 56 мингдан ортиқ корхона, ташкилот ва маҳалла фуқаролар йиғини ходимлари).

Давра суҳбатларида ёшлар орасида оммалашиб бораётган “енгил наркотик” сифатида истеъмол қилинаётган таркибида кучли таъсир қилувчи моддалар бўлган дори воситалар, синтетик гиёҳвандлик воситаларининг инсон саломатлигига, турмуш тарзига, келажакка ва яқинларига салбий таъсири мутахассислар томонидан тушунтирилди.<sup>9</sup>

“Ёшлар орасида наркотик воситаларнинг тарқатилишига қарши кураш” тезкор-профилактик ойлиги доирасида ўтказилаётган профилактик-огоҳлантирув тадбирларини ташвиқот-тарғибот қилиш мақсадида марказий ва минтақавий оммавий ахборот воситаларида жами 1 минг 672 маротаба чиқишлар амалга оширилди.

Жумладан, ойлик давомида амалга оширилган тадбирлар ҳамда гиёҳвандликнинг жирканч оқибатларини ёритиб берувчи видеолар Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Ўзбекистон-24”, “Ёшлар”, “Тошкент” ва бошқа маҳаллий телеканалларининг информацион дастурларида 210 маротаба ёритилди. Шунингдек ойлик давомида, 950 маротаба Интернетда, 231 маротаба радиода, 304 маротаба газета ва журналларда чиқишлар қилинди. Шу билан бир қаторда, 2 минг 417 та спорт мусобақалари, 681 та тасвирий санъат кўрик танлови, 380 та театр сахналари, 267 та марафон, 182 та кувноқлар ва зукколар, 156 та челленджлар (беллашув) ташкиллаштирилди.

Автобус, йўналишли такси ва таксиларга тарғибот буклетларини ёпиштириш йўли билан тарғибот ишларининг кўлами кенгайтирилди. Жамоат жойларидаги видеомониторларда 30-40 сониялик ижтимоий видеороликлар намоиш этиб борилди.

Юқоридаги тадбирлар давомида мавзуга оид жами 57 мингга яқин буклет, флайер ва плакатлар тайёрланиб, аҳоли орасида тарқатилди.

Ойлик давомида гиёҳвандлик ва психотроп моддаларнинг ноқонуний муомаласига қарши курашиш тадбирларига алоҳида эътибор қаратилди.

Натижада жами 900 дан ортиқ гиёҳвандлик воситалари билан боғлиқ ҳолатлар аниқланди, ноқонуний муомаладан жами 95,5 кг гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар олинди.

Статистик маълумотларга асосан 2019-2023 йилларда гиёҳвандлик ва психотроп моддалар билан боғлиқ жиноят содир этиб ушланган шахслар орасида ёшларнинг улуши (30 ёшгача шахслар) 22-25 фоиз атрофида бўлган (2019 йилда 802 нафар – 22,1%,

<sup>9</sup> Sheribbayevich, Y. X. (2025). AQIDAPARASTLIK, DINIY EKSTREMIZM VA TAQIQLANGAN DINIY MATERIALLARNING IJTIMOYIY BARQARORLIKKA TAHDIDI. *Ta'lim innovatsiyasi va integratsiyasi*, 60(1), 262-266.

2020 йилда 944 нафар – 22,0%, 2021 йилда 1 071 нафар – 23,0%, 2022 йилда 1 512 нафар – 24,6 %, 2023 йилда 2 137 нафар – 31,2 %).<sup>10</sup>

Олиб борилаётган профилактик тадбирларга қарамасдан афсуски бугунги кунга келиб республикамиз ёшлари орасида барча турдаги гиёҳвандлик воситалари истеъмол қилинаётганлиги кузатилмоқда.<sup>11</sup>

Улардан кенг тарқалганлари қуйидагилар:

- “Анъанавий” гиёҳвандлик воситаларидан марихуана ва гашиш. Ўтказилаётган профилактик ва тезкор-қидирув тадбирларига қарамай, марихуана ва гашиш гиёҳвандлик воситасини истеъмол қилаётган 30 ёшгача бўлган ёшларни бу турдаги жиноятларга қўл уриши кузатилмоқда.

Бу турдаги гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилаётган ёки улар билан боғлиқ жиноятга қўл ураётган ёшлар ҳақида қарийб барча вилоятлардан кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

- “назорат” остидаги дори-дармонлар - “Тропикамид”, “Прегабалин” (“Лирика”, “Регалепен” ва “Липре”), “Залеплон” (“Селюфен”) кучли таъсир қилувчи препаратлар ҳамда таркибида гиёҳвандлик воситаси бўлган “Трамадол” дори воситалари 2019 йилда 18,5 кг, 2020 йилда 58,7 кг, 2021 йилда 73,5 кг, 2022 йилда 94,1 кг, 2023 йилда 171,5 кг, 2024 йилнинг

8 ойида 240,7 кг олинган.<sup>12</sup>

- синтетик гиёҳвандлик воситалари. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 октябрдаги 878-сон қарори билан Ўзбекистон Республикасида муомаласи таққиқланган гиёҳвандлик воситалари рўйхатига (И рўйхат) 200 турдаги синтетик гиёҳвандлик воситалари 2019 йилда 0,4 кг, 2020 йилда 1,3 кг, 2021 йилда 7,2 кг, 2022 йилда 56,1 кг, 2023 йилда 70,3 кг, 2024 йилнинг 8 ойида 92,0 кг олинган.

Хулоса:

Ёшлар ўртасида наркотикичиликка қарши курашиш масаласи жамият барқарорлиги, ижтимоий хавфсизлик ва барқарор тараққиётни таъминлашнинг стратегик аҳамиятга эга йўналишларидан бири сифатида намоён бўлади. Мазкур соҳада самарали натижаларга эришиш фақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти доирасида эмас, балки таълим, оила ҳамда фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги тизимли ва узвий ҳамкорлик амалга оширилишини тақозо этади. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, ёшлар ўртасида гиёҳвандликка мойиллик шаклланишида ахборот маконининг салбий таъсири, ижтимоий муҳитдаги носоғлом тенденциялар, ижтимоий назорат механизмларининг етарли даражада эмаслиги, шунингдек, маънавий-ахлоқий тарбиядаги институционал камчиликлар ҳал қилувчи омиллардан ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, профилактик фаолиятни институционал жиҳатдан такомиллаштириш, ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш,

<sup>10</sup> Sheribbayevich, Y. X. (2025). TEZKOR-QIDIRUV TADBIRLARINI O'TKAZISH ASOSLARI VA SHARTLARI. *Ta'lim innovatsiyasi va integratsiyasi*, 60(1), 250-256.

<sup>11</sup> Файзуллаев, Д. О. (2024). Ёшлар орасида жиноятчиликка қарши курашиш давлатимизнинг долзарб вазифасидир!. *Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies*, 1(1), 117-123.

<sup>12</sup> Ибрагимов, А. (2025). ЯНГИ ТУРДАГИ ГИЁҲВАНД МОДДАЛАР ТАРҚАЛИШИГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ. *Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies*, 2(4-2), 204-210.

уларнинг бандлигини таъминлаш ва соғлом турмуш тарзини шакллантиришга қаратилган чора-тадбирларни комплекс равишда амалга ошириш зарур. Якуний хулоса сифатида таъкидлаш жоизки, ёшлар ўртасида наркожиноятчиликка қарши курашиш кўп қиррали ва кўп босқичли жараён бўлиб, унинг самарадорлиги илмий асосланган профилактик механизмларни жорий этиш, рақамли технологиялар имкониятларидан мақсадли фойдаланиш ҳамда манфаатдор субъектлар ўртасидаги интердисциплинар ҳамкорликни кучайтириш даражасига бевосита боғлиқдир.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ашуров, О. У., & Тўйчиев, У. И. Ў. (2024). ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ТЕЗКОР БЎЛИНМАЛАРИ ТОМОНИДАН КОРРУПЦИЯ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ. Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences, 4(4), 143-152.
2. Nishonkhujaevich, R. R. (2023). SOME ASPECTS OF THE LEGAL REGULATION OF THE CONDUCT OF OPERATIONAL-SEARCH MEASURES BY THE INTERNAL AFFAIRS BODIES. INNUS, 2(2).
3. Ибрагимов, А. А. (2025). ЖИНОЯТЛАРНИНГ КРИМИНОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА КЎРСАТГИЧЛАРИ. Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies, 2(4-2), 198-203.
4. Ибрагимов, А. (2025). ЯНГИ ТУРДАГИ ГИЁҲВАНД МОДДАЛАР ТАРҚАЛИШИГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ. Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies, 2(4-2), 204-210.
5. Egamberdievich, M. T., & O'G'Li, S. A. S. (2024). JINOYATLARNI FOSH ETISHDA TEZKOR-QIDIRUV TADBIRLARINING MONIYATI VA ANAMIYATI. Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences, 4(5), 114-118.
6. Ибрагимов, А. А. (2025). ЁШЛАР ОРАСИДА ЭКСТРЕМИЗМНИ ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ ЯНГИЧА МЕХАНИЗМЛАРИ. Central Asian Journal of Academic Research, 3(4-3), 33-38.
7. Файзуллаев, Д. О. (2025). ЯНГИ ТУРДАГИ ГИЁҲВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИНИНГ ТУЗИЛИШИ, ТУРЛАРИ ВА КРИМИНОЛОГИК ТАҲЛИЛИ. Central Asian Journal of Education and Innovation, 4(5), 103-105.
8. Ибрагимов, А. А. (2025). ЁШЛАР ОРАСИДА ЭКСТРЕМИЗМНИ ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ ЯНГИЧА МЕХАНИЗМЛАРИ. Central Asian Journal of Academic Research, 3(4-3), 33-38.
9. Sheribbayevich, Y. X. (2025). AQIDAPARASTLIK, DINIY EKSTREMIZM VA TAQIQLANGAN DINIY MATERIALLARNING IJTIMOYIY BARQARORLIKKA TAHDIDI. Ta'lim innovatsiyasi va integratsiyasi, 60(1), 262-266.
10. Sheribbayevich, Y. X. (2025). TEZKOR-QIDIRUV TADBIRLARINI O'TKAZISH ASOSLARI VA SHARTLARI. Ta'lim innovatsiyasi va integratsiyasi, 60(1), 250-256.
11. Файзуллаев, Д. О. (2024). Ёшлар орасида жиноятчиликка қарши курашиш давлатимизнинг долзарб вазифасидир!. Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies, 1(1), 117-123.
12. Ибрагимов, А. (2025). ЯНГИ ТУРДАГИ ГИЁҲВАНД МОДДАЛАР ТАРҚАЛИШИГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ. Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies, 2(4-2), 204-210